

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ  
2025 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ” КОНЦЕПЦИЯСИДА  
БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА  
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Раджабов Насир Насимович*

*Ўзбекистон Республикаси*

*Жамоат хавфсизлиги университети*

*Тилларни ўрганиш кафедраси доценти*

*Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация.** Мақола Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш” концепциясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда хорижий тилларнинг, хусусан, инглиз тили талаффузини самарали ўзлаштиришнинг аҳамиятини ёритишга бағишланган. Унда инглиз тилининг талаффузини самарали ўзлаштиришда унинг фонетик меъёрлари билан бир қаторда, фонологик ва фоностилистик хусусиятларини ҳам ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

**Калит сўзлар:** *унли, фонема, фонетик хусусият, фонологик жиҳат, фоностилистик хусусият*

“Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш” концепциясида таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшлар сиёсати борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт ичида ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди<sup>1</sup>. Ёш авлоднинг таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш” концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 10.01.2021 йилдаги 23-сон Қарори билан ёшлар сиёсатига оид қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим тизимини ташкил қилиш<sup>2</sup>, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг сифатли таълим олишини

<sup>1</sup> “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш” концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 10.01.2021 йилдаги 23-сон Қарори. Манба: <https://lex.uz/docs/5234746>

<sup>2</sup> “Ўзбекистон – 2030” стратегияси” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси президентининг 11.09.2023 йилдаги

таъминлаш учун шарт-шароит яратиш<sup>3</sup> асосий вазифалар қаторига киритилди. Мазкур вазифаларни ижросини таъминлашда хорижий тилларнинг, хусусан, инглиз тилининг талаффузини самарали ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Инглиз тилини ўрганиш жараёнида унинг талаффуз меъёрларини чуқур ўзлаштириш ва ундаги сўзларнинг талаффузини тўғри талқин қилиш устувор вазифа саналади. Бу борада инглиз тилининг фонетик меъёрлари билан бир қаторда, унинг фонологик ва фоностилистик хусусиятларини ҳам ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Инглиз ва ўзбек тилларида унлиларнинг фонетик ва фонологик хусусиятлари борасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган[14, 15, 16, 17, 18]. Амалий жиҳатдан унлиларнинг фонетик, фонологик ва фоностилистик жиҳатларини мукамал ўзлаштирилиши бу хусусиятларнинг назарий жиҳатдан тадқиқ қилинганлик даражасига боғлиқ бўлади. Унлиларнинг қайд этилган хусусиятларини назарий тадқиқ қилишнинг аҳамиятини мазкур доирада олиб бораётган тадқиқотимизга асосланиб, инглиз тили мисолида қуйидагича изоҳлаймиз:

Фонетик нуқтаи-назардан инглиз тилидаги унлиларнинг артикуляцион-акустик хусусиятлари Д. Джоунз[9-368], Л.З. Хултзен[8-566], Н. Б. Эрдели[4-68], Г. П. Торсуев[3-48], А. С. Либерман[2-72], В. А. Васильев[12-71], А. А. Абдуазизов[5-104], Р. А. Алимардонов[6-45] каби тилшуносларнинг илмий асарларида кенг ёритилган. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, унлиларнинг урғусизлик ҳолати билан боғлиқ баъзи фонетик хусусиятлари юқорида қайд этилган олимларнинг ишларида ҳам, ушбу соҳага доир бошқа тадқиқотларда ҳам охиригача тадқиқ қилинмаган. Жумладан, нейтрал /ə/ унлисининг талаффуз шакллари: /ə<sup>Λ</sup>, ə<sup>3</sup>, ə<sup>ε</sup>, ə/, нейтрал /ə/ унлисини юзага келтирувчи омиллар, нейтрал /ə/ унлисини сўз маъносини ўзгартирмаган ҳолда урғусиз /ɪ/ унлиси билан алмашиб ишлатилиш ҳолатлари, урғусиз /ɪ/ унлисининг талаффуз шакллари, урғусиз унлиларнинг фонетик ўхшаш ва фарқли жиҳатлари (/ə/ ва /ɪ/), унлиларнинг урғусиз бўғинда нейтрал /ə/ ва урғусиз /ɪ/ унлиларидан ташқари, урғусиз /u/ (you, do, who каби сўзлада) унлисига ўзгариши сингари фонетик ҳолатлар тўлиқ ўрганишни тақозо қилади. Урғусиз унлиларнинг фонетик жиҳати билан боғлиқ мазкур ҳолатларнинг илмий тадқиқ қилиниши унлиларнинг урғусиз бўғинда тўғри талаффуз қилинишида, шунингдек, нейтрал /ə/ ва урғусиз /ɪ/ унлиларининг талаффуз шаклларини тўғри ўзлаштиришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Инглиз тилида унлиларнинг фонологик хусусиятлари ҳам қатор тилшунослар жумладан, А.Ф. Биршерт [1-86], А. Койен [7, 77], Й. Вахек [13, 81],

ПФ-158-сон Фармони. Манба: <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

<sup>3</sup> “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш” концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 10.01.2021 йилдаги 23-сон Қарори. Манба: <https://lex.uz/docs/5234746>

К. Мелоун [10, 240], Б. Трнка [11, 27], А.С. Либерман [2, 72], В.А. Василев [12, 197], А.А. Абдуазизов [5, 122], Р. А. Алимардонов [6, 43] каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Мазкур тадқиқотларда унлиларнинг урғули ҳолати кўпроқ ёритилган бўлиб, уларнинг урғусиз ҳолати билан боғлиқ фонологик хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган. Инглиз тилида унлилар системаси урғусиз ҳолатда яна бир фонемага (нейтрал /ə/) бойиши, унлиларнинг фонологик хусусиятларини урғули ва урғусиз ҳолатда алоҳида-алоҳида тадқиқ қилиш заруратини юзага келтиради. Нутқ товушларининг фонологик хусусиятлари уларнинг фонологик оппозицияларида намоён бўлади. Унлиларнинг артикуляцион-акустик хусусиятларини фонологик оппозициялар воситасида ўргатишнинг самарали эканлиги унлиларнинг фонологик оппозиция турларини тўлиқ тадқиқ қилишни тақозо этади. Нутқ товушларининг фонологик хусусиятларини мукамал ўрганиш, фонетик ўрнига кўра ўзгарувчан бўлган инглиз тили унлиларининг талаффузини тўғри ўзлаштиришда самарали ёрдам беради.

Унли товушларнинг табиатини тўлиқ очиб беришда, уларнинг фонетик ва фонологик ўзига хосликлари билан бир қаторда, фоностилистик хусусиятларини ҳам тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Мулоқот жараёнида кишилар воқеа-ҳодиса юзасидан ўзаро фикр алмашишар экан, албатта фикрларига қўшиб ўз ҳис-туйғуларини ҳам ифода этишади. Юзага келган вазиятга нисбатан ҳис-туйғуларсиз билдирилган фикр мулоқотни табиий чиқишига тусқинлик қилади. Фикр нутқ товушларининг фонетик ва фонологик воқеланиши орқали ифодаланса, ундаги ҳис-туйғу нутқ товушларининг фоностилистик қўлланилиши билан очиб берилади. Инглиз тилини ўрганувчи ўзбеклар инглизча нутқининг таъсирчанлигини оширишда бевосита она тили меъёрларига таяниши табиийдир. Лекин нутқнинг таъсирчанлигини оширишда она тилининг меъёрлари ўрганилиётган чет тили меъёрларига ҳар доим ҳам тўғри келмаслиги нутқдан кўзланган мақсадга эришишда тўсқинлик қилади. Масалан, ўзбек тилида *маза қилди* /*ma'za qil'di*/ бирикмасидаги *маза* сўзининг таъсирчанлигини оширишга сўзнинг биринчи бўғинидаги унлини кучли талаффуз қилиш орқали эришилади. Бунинг учун *маза* сўзининг иккинчи бўғинидаги урғуни сўзнинг биринчи бўғинига қўчиришга тўғри келади. Натижада, икки унли ўртасидаги /z/ ундош товуши оғзаки нутқда икки марта талаффуз қилинади: /'mazza/. Ушбу меъёрга она тили орқали одатланган ўзбеклар ўзларининг инглизча нутқида уни беихтиёр қўллаш билан хатоликка йўл қўйиши мумкин. Чунки урғунинг табиати инглиз ва ўзбек тилларида тубдан фарқ қилади. Чет тил ўргатиш жараёнида бундай хатоликларни олдини олиш учун нутқ товушларининг фоностилистик хусусиятларини ҳам қамраб олиш зарур. Демак, мулоқотни табиий бўлишида нутқ товушларининг фоностилистик имкониятларидан хабардор бўлиш ҳам

муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, чет тил ўқитиш жараёнида унли товушларнинг фонетик ва фонологик ўзига хосликлари билан бир қаторда, уларнинг фоностилистик хусусиятларини ҳам назардан четда қолдирмаслик мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **Адабиётлар:**

1. Биршерт А.Ф. К вопросу о системе фонем английского языка. Учебные записки I МГПИИЯ. – Москва, 1940, стр.
2. Либерман А.С. Безударные гласные английского языка//Иностранные языке в школе. – Москва, 1975, №5, стр..
3. Торсуев Г.П. Константность и вариативность в фонетической системе. – Москва, изд. «Наука», 1977. Стр..
4. Эрдели Н.Б. О нейтральном гласном в английском языке// Филологические науки. – Москва, 1960, №1. стр..
5. Abduazizov A.A. English phonetics (A theoretical course). – Тошкент, “Ўқитувчи”, 2007. Р..
6. Alimardonov R.A. Pronunciation theory of English. – Toshkent, 2009.
7. Cohen A. The phonemes of English. – The Hague, 1962 P..
8. Hultzen L.S. System status of obscured vowels in English. // Languages, vol. 37. – London, 1961. № 4 p
9. Jones D. An outline of English Phonetics. 9<sup>th</sup> ed. – London, 1960. P..
10. Malone K. The Phonemes of current English. – Copenhagen, 1959. P..
11. Trnka B. A Phonological Analysis of Present-Day Standard English.– Tokyo, 1966. P..
12. Vassilyev V.A. English Phonetics (A theoretical course). – Москва, 1970. Стр..
13. Vachek J. Phonemic remarks on the short mixed vowel of Modern English. Sborník Prací Filosofiske Fakulty Brnenske University, 1956. p.
14. Umarova F. The introduction of a student-centered approach to learning in general secondary education //Lifelong Education: Continuous Education for Sustainable Development: proc. of IAEA coop. Vol. 7/arr. NA Lobanov; sci. ed. NA Lobanov, VN Scvortsov.–SPb.: LSU na AS Puskin, 2009.–464 p. ISBN 978–5–8290–0821–5. – 2009. – С. 338.
15. Nasimovich R. N. Quality and quantity reduction //Euro-Asia Conferences. – 2021. – Т. 4. – №. 1. – С. 48-49.
16. Nasimovich, R. N. . (2021). Phonological Oppositions of Unstressed Vowels in The Uzbek Language. *Middle European Scientific Bulletin*, 15. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.15.693>.

17. Раджабов, Н. Н., & КЎРИНИШЛАРИ, Ў. ORIENSS. 2022.№ Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbek-tilida-unli-fonemalarningpozitsion-k-rinishlari> (дата обращения: 10.10. 2023).
18. Раджабов Н. Н. Ўзбек тилида тил орқа унлилар дистрибуцияси // Science and pedagogy in the modern world: Problems and solutions – 2023. – Т. 1. – №. 1.
19. Умарова Ф. З. КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНЦИЯ–ВАЖНОЕ ПРЕИМУЩЕСТВО БУДУЩЕГО СПЕЦИАЛИСТА //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 28. – С. 429-434.
20. Anvarovich, M. O., & Nasimovich, R. N. (2020). Reciprocal Study of Theology and Linguistics in Uzbekistan. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(09).
21. Umarova F. The student’s personal development as a key to sustainable development //Lifelong Learning: Continuous Education for Sustainable Development: proc. of Int. coop./arr. NA Lobanov; sci. ed. NA Lobanov, VN Skvortsov; LSU na AS Pushkin, Res. Inst. Soc.-Econ. and Ped. Probl. of Lifelong Learn.–SPb.: LSU na AS Pushkin, 2011.–Vol. 9.–656 p. – 2011. – С. 564.